

УДК 81

Мусаев Исомиддин Саидович

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта. Преподаватель кафедры узбекского языка и литературы

Musaev Isomiddin Saidovich

Uzbek State University of Physical Culture and Sports

Lecturer at the Department of Uzbek Language and Literature

Musaev Isomiddin Saidovich

O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasida o‘qituvchisi

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ФИЗКУЛЬТУРНО-СПОРТИВНЫМ ЛЕКСЕМАМ В «ДЕВОНИ ЛУГОТИТ ТУРК»

Аннотация: В данной статье рассмотрены теоретические аспекты лингвокультурологических подходов к физкультурно-спортивным лексемам в книге «Девони луготит турк». В частности, он касается вопросов физического воспитания, связанных с борьбой, бегом, прыжками, верховой ездой, игрой, ударами ногами, мячом, сеткой, мечом или шахматами.

Ключевые слова и фразы: Девони луготит турк, лексема, лингвомаданий, фольклор, произведения, жанры, физкультура и спорт.

LINGUISTIC AND CULTURAL APPROACH TO PHYSICAL CULTURE AND SPORTS LEXEMES IN "DEVONI LUGOTIT TURK"

Abstract: This article discusses the theoretical aspects of linguoculturological approaches to physical culture and sports lexemes in the book "Devoni Lugotit Turk". In particular, it deals with physical education issues related to wrestling, running, jumping, riding, playing, kicking, ball, net, sword or chess.

Key words and phrases: Devoni lugotit turk, lexeme, lingvomadania, folklore, works, genres, physical education and sports.

**“ДЕВОНИ ЛУГОТИТ ТУРК”ДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
ЛЕКСЕМАЛАРИГА ЛИНГВОМАДАНИЙ НУҚТАИ НАЗАРДАН ЁНДАШУВ**

***Аннотация:** Ушбу мақолада “Девони луготит турк” асаридаги жисмоний тарбия ва спорт лексемаларига лингвомаданий ёндашувларнинг назарий жиҳатлари ёритиб ўтилган. Хусусан, унда жисмоний тарбиянинг кураш, чопиш, сакраш, чавондозлик, ўйин, тешиш, тепки, тўп, тўр, қилич ёки шахматга оид масалалар ҳақида фикр юритилган.*

***Таянч сўз ва иборалар:** Девони луготит турк, туркий халқлар, лексема, лингвомаданий, халқ оғзаки ижоди, туркология, жисмоний тарбий ва спорт.*

Туркий халқлар маданияти ва давлатчилик анъанасининг халқаро майдондаги ўрни ва шу халқнинг маданий меросини тадқиқ этиш, миллий ғурур ҳамда кадриятларни англаш зарурати бугунги глобаллашув жараёнида миллий ўзликни англаш моҳиятини мукаммал тушунтириш, маданий манбаларимизнинг жаҳон тамаддуни ривожига муносиб ўрнини далиллаш, кейинги давр туркий ва ғайри туркий сулолалари давлатчилигига кучли таъсир этган халқларимиз меросини ўрганишни тақозо этмоқда. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан аждоқларимиздан мерос бўлиб қолган турли моддий-маънавий ёдгорликларни тадқиқ этиш ишларини қўллаб-қувватлаш, теран илдизи қадим мозийга бориб тақаладиган ўзбек тилининг мавқеини юқори даражага олиб чиқиш мақсадида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 11-12 ноябрь кунлари Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг Туркиядаги саммитидаги иштироки ва нутқи ҳам соҳа ривожига учун катта аҳамиятга эгадир. Қолаверса, Республикамизда туркология соҳаси бўйича амалга оширилаётган ташаббуслар ва изланишларга кенг йўл очилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Зеро, мамлакатимиз миқёсида “халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, муқаддас қадамжоларини обод қилиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида

тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди ва изчил давом эттирилмоқда”¹. Халқимиз томонидан яратилган ва асрлар мобайнида кўз қорачиғидай сақлаб келинган миллий қадриятларни ҳар томонлама, холисона ва кенг кўламли тадқиқ этиш имкони туғилган шу кунларда жисмоний тарбия ва соҳасидаги ёшларини Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк” асаридаги лексемаларга лингвомаданий нуқтаи назардан таълим-тарбия жараёнларида ёндашуви муҳим аҳамиятга эга.

Турк тилидаги руник ёзувларидан жисмоний тарбия ва спортга оид масалалар бўйича кўриш терминологиянинг бой анъанаси борлиги маълум. Туркийлар тарихининг турли даврларига оид кўплаб асарларда ижтимоий-маданий, жисмоний ва спорт мавзулар бўйича тадқиқотлар, материаллар мавжуд. Шунингдек, “Девону луғоти-т-турк”да жисмоний тарбия ва спорт соҳа лексикаси бўйича муҳим маълумотлар акс этган. “Девони луғотит турк”даги жисмоний меҳнат, ижтимоий-маданий ҳаёт билан боғлиқ лексемаларни таълим жараёнига тадқиқ этиш, талабаларда асарда қўлланилган халқ донишмандлиги, халқнинг диний ва абстракт тушунчалари, инсонлар ўртасидаги мулоқот одоби, халқ маданий мероси ва ижодкорлиги билан боғлиқ жисмоний тарбия ва спорт лексемаларининг қўлланилиш ҳолатини очиқ бериш бугунги кунда нафақат соҳа талабалари учун кўпчилик ёшлар учун ҳам тилимизнинг келиб чиқиш тарихи билан боғлиқ лексемалардир.

Маданиятнинг муҳим хазинаси бўлган ҳаётий воқеалардан мисоллар келтириш орқали тил ва маданиятни тушунтириб берди, бу билан ҳам туркий маданият ва эътиқодларни арабларга танитди, ҳам диққатни тортди ва сўзларнинг яхши тушунилишини таъминлади. Ушбу асар илк филологик тадқиқот ва туркий сўзлар этимологияси келтирилган биринчи қиёсий луғатдир. Айни пайтда бу асарни фақат луғат деб ҳисоблаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // “Халқ сўзи”. – Тошкент, 2017, 25 май.

нотўғри, унда Марказий Осиё халқларининг халқ оғзаки ижоди намуналарига хос кўплаб ноёб маълумотларни кузатамиз. “Девони луғатит турк” асарини яратиш учун Маҳмуд Кошғарий туркий қабилалар яшайдиган кўплаб шаҳарлар ва қишлоқларни кезиб чиққан. 14 йиллик (тахминан 1057 йилдан 1071 йилгача) сафари давомида кенг кўламли тарихий материалларни тўплаб, 6800 дан зиёд туркий сўзни гуруҳлаштирди, (110 ҳудуд, кўл ва дарё, 40 элат ва қабила номлари), туркий тилда изоҳлар келтирди. Китобдан 242 та шеър, 262 та мақол ва матал ўрин олган. Ҳайратланарлиси шундаки, у қўллаган 875 та сўз, 60 та мақол ва матал бирон-бир ўзгаришсиз замонавий туркий тилимизга кириб келган.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк” асари туркий термин ва атамаларнинг бизгача етиб келиши, ёшларни тил тарихи бўйича маълумотларга эга қилишда катта тарихий вазифани бажарган. Масалан, асардан овчилик мавзусидаги парчаларни олиб кўрайлик:

Чағри бериб қушлату,

Тойган изиб тишлату,

Тилки, тўнғиз тошлату

Ардан била ўкларим

Мазмуни: (Ўйигитларга) чағру (ов қуши) бериб қуш овлайлик, ов итини (қушларнинг) изидан солиб тишлатайлик. Тулки, тўнғиз(ларни) тош билан урайлик, ютуқларимиз билан мақтанайлик. Яна:

Ўйигитлариг ишлату,

Ўйигач яниш иргату.

Қулан кийик авлату

Базрам қилиб айналим.

Мазмуни: Ўйигитларни ишлатайлик, Дарахт(лар)дан мева(ларни) қоктирайлик, қулон кийик овлатайлик, (сўнг) байрам қилиб овунайлик.

Мана шу каби тарихий-илмий-бадий манбалар орқали биргина жисмоний тарбия ва спортга оид кураш, чопиш, сакраш, чавондозлик, ёй, ўзиш, ўйин, тепиш, тепки, тўп, тўр, чавгон, қанот, қилич, кема ёки шахматга оид шатранж, шохмот / шахмат, шох / шах, фарзин, рух, фил, от/асп, пиёда / сипоҳ, мот, пот / пат, дона, оқ қора, катак, қанот, юриш, кишт, ҳужум сингари кўплаб спорт атамалари бизгача етиб келган. Бу ҳол ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига тегишли.

Туркийлар ижтимоий-маданий ҳаётининг энг муҳим хазиналаридан бири бўлган бу асар қомусий луғат ҳисобланади. Қолаверса, асарни ёзишдан мақсад турк тилининг араб тили каби бой эканлигини кўрсатиш ва турклар ҳукмронлик қилган жойларда турк тилини ўрганмоқчи бўлганлар, талабаларга ёрдам беришдир. Бинобарин, китоб ёзилаётган даврда туркий тилда мавжуд сўзлар ҳам туркий жумлаларда қўллаш, ҳам қомусий маълумотлар бериш орқали араб тилида изоҳланади. “Девони луғотит турк” ушбу тушунтириш бўлимлари, ўз гувоҳлари билан турк маданияти, тарихи, географияси, этнологияси, мифологияси, халқ оғзаки ижоди, тили ва адабиёти ҳақида маълумот берувчи энциклопедияга айланди. Асар адабий намуналарга ўрин бериш жиҳатидан адабий антология хусусиятига эга бўлди. Шунингдек, “турк маданиятига оид кўплаб материаллар мавжуд бўлганлиги учун бу асар туркологияга асос солганлиги эътироф этилди”².

Туркий тилнинг Шарқдаги тиллар орасида қадимдан мавқеини белгиловчи бу далил, албатта эътиборга лойиқ. Эътиборга лойиқ томони шундаки, шарқдаги бошқа тилларга нисбатан туркий қавмларга ва уларнинг тилларига алоҳида диққат қаратилган. Бунинг боиси, туркий тилнинг кенг ҳудудга тарқалгани эди. Шунинг учун ҳам бундай эътиборли тилда бадий асарлар, йилномалар яратилмаслиги мумкин эмас. Таълим-

² М. Şakir Ülkütaşır, *Büyük Türk Dilcisi Kâşgarlı Mahmut*, Türk Dil Kurumu Yayınları, 2. baskı, Ankara, 1972, б. 37.

тарбия жараёнида талабаларга ижтимоий-маданий, жисмоний сифатлар билан боғлиқ бўлган қадимги туркий тилнинг ҳолати, тараққиёти тўғрисида “Девони луғотит турк” асл манба сифатида кенг ишончли ва тўлақонли маълумотларни беради.

Хулоса қилиб айтганда, “Девони луғатит турк” ўз давр тили ҳақидаги билимларни қамраб олган. Олим мавҳум тушунчаларни жонлантириш учун аргументлардан фойдаланган, ифодасига куч қўшган. Сўз маъноларини яхшироқ тушунтириш, баъзи грамматик қоидаларни ўргатиш, ўқувчилар эътиборини товуш уйғунлиги ва ритм туйғуси билан тўлдириш ҳамда эсда қолиш осон бўлиши учун тўртлик ва жуфтликлардан фойдаланган. Ўзбек тили тарихига оид қомусий ва филологик луғатлар ва уларда изоҳланган лексема (сўз) ва фразеологик birlikларнинг маъно-мазмунда маълум маъно фарқлиликларининг вужудга келишига йўл очади. Қолаверса, тилда ва унинг сатҳларида юз берадиган неологизация, архаизация, сўз ўзлаштириш, тил birlikларининг актуализацияси ва деактуализацияси, лексикадаги перифериял сўзларнинг фаоллашиши каби табиий жараёнлар “кечаги” сўзнинг маъноларини “бугунги” тил жамоаси томонидан бошқача талқин ва қабул қилинишига йўл очади. Ёзма матнлар, луғатлар, қомусий асарлар – булар аслида лингвомаданий жиҳатдан концептуал тизимлар ва миллий тилнинг концептосфераларини ўзида мужассам этган манбалардир. Улар ҳам семиотик тизим бўлмиш тил birlikларини уларнинг концептуал алоқалари фонида акс эттиради. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асари ана шундай асарлар жумласидан бўлиб, у тилимизнинг энг қадимий лингвомаданий манзарасини қайта жонлантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ

- ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // “Халқ сўзи”. – Тошкент, 2017, 25 май
2. M. Şakir Ülkütaşır, *Büyük Türk Dilcisi Kâşgarlı Mahmut*, Türk Dil Kurumu Yayınları, 2. baskı, Ankara, 1972, б. 37.
 3. С. Муталлибов Девону луғотит турк, 1-3 ж., Т., 1960-63.
 4. Ғ.Абдурахмонов таҳрири остида. Девони луғотит турк. Индекс-луғат. Т.: Фан, 1966.
 5. Musaev, I.S. (2021). Ways to achieve quality and efficiency through the organization of the pedagogical process on the subject" use of the uzbek language in the field". *Экономика и социум*, (7), 94-98.
 6. Imamnazarov, E. D., & Parpiyev, O. T. (2021). Teaching educational technologies in pedagogical activities. *Экономика и социум*, (6-1), 94-96.
 7. Парпиев О. Т. Использование игровых форм при подготовке студентов к педагогической деятельности // Молодой ученый. – 2020. – №. 24. – С. 424-426.
 8. Abdurakhmonovich A. B. Analysis of the results of psychological and pedagogical research of labor migrants and their families // Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 12. – С. 440-443.
 9. Musaev I.S. Nutq ustida ishlash bola hayotining dastlabki davridan boshlanadi // “Milliy tarbiya va zamon” Respublika ilmiy-amaliy anjumani. 2020. 98-102 betlar.
 10. Abdurakhmonovich, A. B. (2020). Factors influencing the formation of professional thinking in pupils. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 8(2).
 11. Musaev I.S. Tog‘ay Murod asarlarida milliy-qadimiy xalq o‘yini olish-kurash sport atamasi haqida // “Jismoniy tarbiya va sport sohasiga oid yangi so‘z va atamalarning qo‘llanishi: nazariy va amaliyot” Respublika ilmiy-amaliy anjumani. 2020. 113-114 betlar.

12. T.Boltayeva, I.S.Musayev, M.O.Rakhimova Literary success—a product of combination with confirmation and denial. *Journal of American Studies*, 84 (2021), 4, 1816-1825.
13. Akbarov B. A. Pedagogical system of formation of professional thinking in secondary school students.: Author. dis.... DcS. – 2020.
14. Akbarov, B. A. (2019). Forming Pupils' Professional Thinking Model. *Eastern European Scientific Journal*, (1).